

17 МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛ

ЯН ЦЕМИАНЬ: «МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАДИ»

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ШАНХАЙ ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ДИРЕКТОРИ, ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ЯН ЦЕМИАНЬ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ БОСИБ ЎТГАН ТАРАҚҚИЙ ЙЎЛИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШДИ.

— 1991 йил 31 август кунини эълон қилган мустақиллик Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги муҳим сана бўлди, десак асло муволажа бўлмайди, — дейди хитойлик олим. — Бу кун ўзбек халқининг янги давлатчилигини барпо этиш ва миллий ўзлигини тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг муқаддаси бўлди. Айнан ана шу санадан бошлаб Ўзбекистон ўз кучи ва имкониятларига таянган ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қурилиши сари дадил қадам ташлаш бошлади. Айни пайтда мамлакатда фуқаролик жамияти қарор топмоқда, инсон ва унинг манфаатлари асосий қадрият ҳамда устувор омили сифатида эътибор этилмоқда.

Уттан 17 йил давомида республика ҳаётининг барча соҳаларида том маънодаги тарихий ўзгаришлар амалга оширилди. Бу йиллар мобайнида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда ўзининг му-

носиб ўрини эгаллади. Жамиятнинг демократлаштириш борасида амалга оширилётган ислохотлар ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кўлга киритилган муваффақиятларнинг кенг эътирофи, минтақадаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон илгари сураётган ташаббуслар мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётганидан далolat беради.

Ўзбекистон барқарор сурувтада ривожланиб бормоқда. Бунга экстенсив омилилар ва табиий бойликларни қазиб олишни кўпайтириш эвазига эмас, балки бозор ислохотларини изчил амалга ошириш, сармояларни кенг жалб этиш ҳамда ишлаб чиқариш тузилмаларини модернизация қилиш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали эришилаётгани эътиборга моликдир.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда жамиятни демократик янгиллаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар жаддалашмоқда. Улим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги қонунларнинг кучга киргани ва ҳаётга татбиқ этилаётгани жорий йилнинг муҳим воқеаларидан бўлди.

Бир сўз билан айтганда, мустақил тараққиётнинг 17 йили Ўзбекистон тарихидаги янги сарҳадга эмас, балки унинг давлатчилиги қудрати мустаҳкамлан-

ган давр бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўртингизда ҳар бир йилни ижтимоий сиёсатнинг турли йўналишларига бағишлаш яхши анъанага айланган. Хусусан, 2008 йил Ўзбекистонда «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Ушбу ташаббус мамлакат раҳбарияти униб-ўсиб келаётган ёш авлод тақдирини ялбиришга ҳақиқатан ҳам муваффақият қозонди. Ўшбу йилда «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Ушбу ташаббус мамлакат раҳбарияти униб-ўсиб келаётган ёш авлод тақдирини ялбиришга ҳақиқатан ҳам муваффақият қозонди.

Шунинг билан бир қаторда айтаётганимиздек, республика раҳбариятининг эътибори, гамҳурилиги ва қўллаб-қувватлаши туфайли Ўзбекистонда ёш авлод мамлакат ва жамиятнинг ҳар томонлама ривожлантириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишда давом этаверади.

Хитойликлар Ўзбекистонни нафақат кўчма ва бой тарихга эга юрт, балки улкан иқтисодий ҳамда сармоявий салоҳият мужассам бўлган мамлакат сифатида ҳам яхши билишади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Президент Ислам Каримов раҳнамолигида туб ўзгаришларни амалга оширишнинг тадрижий ва босқичма-босқич йўлини танлади. Айни пайтга келиб ушбу сиёсат ўзининг нечоғли тўғри экани амалда исботланди. Автомобилсозлик, нефть-кўмир ва газни қайта ишлаш, тўқимачилик ва ен-

гил саноат каби янги тармоқлар Ўзбекистон иқтисодий тараққиётини таъминлаётган илғор соҳаларга айланди.

Биз Ўзбекистонда хорижий сармоялар ҳамда йилдан-йилга ўсиб бораётганини мамнуният билан таъкидламоқдамиз. Қўшма корхоналар, аввало, юқори технологияли соҳалар — электротехника, кўмир ва нефть-кўмир саноати, машинасозлик, телекоммуникация ва информацион технологиялар йўналишларида ташкил этилмоқда.

Шу ўринда Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар юқори сурувтада ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу, айниқсан, сиёсат ва давлат арбоблари, иқтисодчи ва ишбилармонлар, олимлар ва жамоатчилик вакилларининг мунтазам равишдаги ўзаро таширфларида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг қулай жўғрофий жойлашуви, бой табиий заҳиралари, барқарор иқтисодий ривожланиши, ишлаб чиқариш саноатини модернизация қилиш ва диверсификациялашга қаратилган сиёсатнинг амалга оширилиши Хитой компаниялари ҳамда фирмаларига ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Хитойда Ўзбекистонни қадим ва бой тарихга, ранг-баранг маданиятга эга бўлган юрт сифатида билишади. Ҳозирги Ўзбекистон

ҳудуди тарихан инсоният тараққиётига улган ҳисса қўшган турли цивилизациялар ва маданиятлар чорраҳаси жойлашган замин. Бу ерда турфа миллат ва динлар вакиллари асрлар давомида тинч тотув ҳаёт кечирган. Ўзбекистон ислом дини, маданияти ва фалсафаси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган мамлакат.

ИЕССКО ташкилоти томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши мамлакатда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган виждон эркинлигини таъминлаш, ислом қадриятларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, улғу бобоқалонларнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, буюк мутафаккир ва алломаларнинг муқаддас қадимжоларини қайта тиклаш ва ободонлаштириш борасидаги кенг қўллами ишларнинг яна бир халқаро эътибори бўлди.

Ўзбекистон кўлга киритаётган улкан ютуқлар, сиёсий барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг гувоҳи бўлиш менга доимо катта мамнуният бахш этади.

Ватанингизнинг энг улғу байрами арафасида Ўзбекистон ахлини чин қалбимдан табриқлайман, бахт-саодат ва фаровонлик, тинчлик-омонлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин. Халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янада тараққий этаверсин!

«Жаҳон» АА. Шанхай.

Иқтисодиёт

ЗАМОНАВИЙ УСУЛ

МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТЕХНИК ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН МЕТАЛЛАРНИНГ ЕМИРИЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛИ ЯРАТИЛДИ. ТОШКЕНТ КИМЭ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРНИНГ БУ БОРАДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ ҲАМ ЯХШИ САМАРА БЕРДИ.

Улар ихтиро қилган янгилик кўпчиликка манзур бўлди. Металл емирилишининг олдини олиш мақсадида яроқли модда намунаси юзага келди. Бундай моддани тайёрлаш учун махсус алдегиди, кротон фрекцияси ва металл спиритдан фойдаланилади. Ана шу усулда ҳосил қилинган қоричман яратиш технологияси унча мураккаб бўлмай, катта таъсир кучига эгаллиги билан ажралиб туради.

ҒОЛИБ КОРХОНАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ ТОМОНИДАН УОШТИРИЛГАН НАВАТДАГИ ТАНЛОВДА ТЕХНИКАВИЙ ЖИҲАТДАН НАМУНАЛИ ЖИҲОЗЛАНГАН КОРХОНАЛАРДАН БИР НЕЧТАСИ ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛДИ.

«Совпластитал» очик акциядорлик жамияти жамоаси ҳам ушбу беллашувда юқори кўрсаткич билан илҳий баҳоланди. Ушбу Ўзбек-Италия қўшма корхонаси фаолияти бундан олдин ҳам муносиб тақдирланган эди. Ҳозир корхонада уй-рўзгорда ишлатилаётган пластмасса буюмларидан саккиз мингдан ортиқ тури ишлаб чиқарилмоқда.

ҚУЛАЙ ВА АРЗОН

ТОШКЕНТДАГИ ҚУЮВ-МЕХАНИКА ЗАВОДИДА ТЕМИРЙЎЛ ТИЗИМИ ЭҶТИЁЖЛАРИ УЧУН ЗАРУР УСКУНАЛАР ТАЙЁРЛАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИЛМОҚДА.

Цемент ташувчи цистерналардаги махсулотни ҳаво компрессорлари орқали сўриб олиш жараёни ҳам тақомиллаштирилди.

Бунинг учун цистерналарнинг ости маълум катталиқда тешилиб, у ерга оддий цемент ташувчи вагонлардагидек бункер ўрнатилди. Ҳозир шундай цистерналардан 120 таси янгича усулга мослаштирилди.

СИФАТЛИ ГИПСҚАРТОНЛАР

«ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА. 2010-2011 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУР БЎЙИЧА ЯНГИ ҚУВВАТЛАР ҲАМ ЎЗЛАШТИРИЛАДИ.

Қурилиш саноати учун зарур ҳисобланган гипскартон материаллари тайёрлаш ҳам кенг йўлга қўйилади. Тошкентда бунёд этилаётган янги корхона бу хил маҳсулот ишлаб чиқариш билан шугулланади.

Дастлабки ҳисоб-китобга кўра, мазкур корхонанинг йиллик қуввати ўн миллион квадрат метрни ташкил этади. Шунга яраша у энг замонавий техникалар билан жиҳозланади.

АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИНДИ

ТЕМИР ЙЎЛ РЕЛЬСЛАРИНИНГ ФОЙДАЛАНИШ МУСТАҲКАМЛИГИНИ БАҲОЛАШ ДАСТУРИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛДИ.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси буюртмаси билан юзага келган мазкур йўриқнома Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институтида академик Алексей Глушченко раҳбарлигида тайёрланди. Катта иқтисодий самара берадиган бу ишланмага республика патент идораси томонидан гувоҳнома берилди.

Олий ўқув юрти олимлари ишлаб чиққан мамлакатимиз темир йўллари ҳудудида юк вагонларидан фойдаланишнинг самарали технологияси эса энг яхши ихтиро деб топилди.

ҚЎШМА ЛОЙИҲА САМАРАСИ

«ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ОЛИЙ МАЪЛУМОТ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ» ЛОЙИҲАСИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА МУҲИМ ДАСТУР БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

«Марказий Осиё» бўйича тажриба модели» деган ном олган мазкур Европа—Ўзбекистон қўшма лойиҳа доирасида минтақадаги олий ўқув юртлари билан бизнес муҳит ўртасида ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш жараёнида амалга оширилмоқда.

Истиқболли лойиҳа Тошкент Молия институтида ҳам жорий қилинди. Уюштирилаётган машғулотлар тадбиркор талаба бизнес режасини тузиш каби амалий кўникмалар ҳосил қилишга қаратилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

ЮРТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА КОММУНИКАЦИЯ ВА ТРАНСПОРТ ТАРМОҚЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО КОММУНИКАЦИЯЛАР ТАРМОГИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТАДИГАН, ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИ ВА ЖАҲОН БОЗОРЛАРИГА ЭНГ ҚИСҚА ЙЎЛ БИЛАН ЧИҚИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИГАН ТРАНСПОРТ ҲАМДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ ЯНГИЛИНИНГ ДАВЛАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ ЯНАДА ЮКСАЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Магистрал йўллар қуриш, хорижий давлатлар билан транспорт алоқаларини яхшилаш, соҳага янги техника ва технологияларни жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида кенг қўллами ишлар амалга оширилади.

Замонавий қурилиш машина-механизми ва бошқа техника воситаларидан унумли фойдаланаётган йўлсозларимиз қисқа муддатларда йирик йўл ўтказгичлар, кўприклар, кўпқаторли транспорт ҳаракатига мўлжалланган халқаро стандартларга мос автотрассалар қуришни фаол ўзлаштирди. Натижада тармоқда меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошиб, автомобилларнинг хавф-хатарсиз ҳаракати йўлга қўйилди.


Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси — «Ўзавтйўл»нинг бошқарма бошлиғи Зарифулло Ҳужановнинг айтишича, мамлакатимизда истиқлол йилларида янги қурилган ва реконструкция қилинган йўлларнинг умумий узунлиги уч минг икки юз километрдан ошган. Хар йили ўртача 220 километр йўл янгидан қурилмоқда ва реконструкция қилинмоқда, 400-450 километри тўла, 1500 километрга яқини ўртача таъмирдан чиқарилмоқда. Автомобиль йўлларини тақомиллаштириш орқали йўлларнинг қуви техника тоифадан юқори техник тоифага ўтказилиши транспорт оқимиغا хизмат кўрсатиш даражасини мутасил оширмоқда.

Юртимизда техник жиҳатдан халқаро андозалар даражасидаги кенг ва раван йўллар, йўл ўтказгичлар, маҳобатли кўприк


ҳамда транспорт боғламаларининг қўлайлиги бораётгани ҳайдовчи ва йўловчилар учун янги қўлайликлар тўғрисида, уларнинг узогини яқин, оғирини энгил қилмоқда. Йўловчиларнинг вақти, маблағи, халқ хўжалигида юк ташиш харажатлари тежалмоқда.

берди. Бошқача айтганда, «Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз», «Тошкент-Душанбе», «Тошкент-Уш» халқаро автомобиль йўллари туташтирилди.

Амударёда бунёд этилган поезд ва автомобильлар катнайдиган улкан кўприк Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм



ЙЎЛИНГ РАВОН — КЎНГЛИНГ НУРАФШОН



Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан барпо этилган «Тошкент-Фаргона» йўлининг Қамчиқ ва Резак доволаридан ўтган тоннеллар бугунги кунда ўзининг мислсиз самараларини бераётгани бунга ёрқин мисолдир.

Илгари мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан Фаргона водийсига борадиган транспорт оқими пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги кўчаси орқали ўтар эди. Тошкент Катта халқа йўлининг тўлиқ ишга туширилиши бунга — ортиқча ташвиш ва муаммоларга барҳам

вилояти аҳолиси учун жуда кенг қўлайликлар яратди.

Булари билан Президентимиз ташаббуси билан тармоқ ривож йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар бераётган самаралардан дидир. Бунинг замирида бунёдкор халқимизнинг, хусусан, йўлсоз кўприксозларнинг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги, азму шижоати ва машаққатли меҳнати мужассам.

Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами нишонланадиган жорий йилда ҳам

бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Айни кунларда инвестиция дастурига киритилган йирик йўл қурилиш объекти — «Гулистон-Охангарон», «Бешбулак — Тоғайтемир-Кўргонтош-Хўжайинок», Сурхондарё вилоятининг Қумқурғон ва Бойсун туманларини боғловчи, автомобилларни Қўқон шаҳрига қирмасдан Андижон вилоятига ўтишини таъминлайдиган автомобиль йўллари ҳамда Урганч ва Беруний шаҳарларини туташтирувчи, Сирдарё вилояти ҳудудида буй чўзаётган йирик кўприк қурилишларида қурилиш-монтаж ишлари қизғин давом этмоқда.

Йўлсозларимиз Россия, Украина, Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия, Хитой сингари мамлакатларга элтидиган, Ўзбекистон ҳудудидан ўтган йиғирмата халқаро аҳамиятга эга йўналишнинг техник даражасини ошириш ишларини давом эттирмоқда.

Диёримиз шаҳар ва қишлоқларини бир-бири билан боғлайдиган бундай маҳаллий, мамлакат ва халқаро аҳамиятга эга қурилиш объектиларини вақтида, сифатли қурилиш материаллари, айниқса, мустаҳкам темир-бетон конструкциялар билан таъминланаётгани ишчи тез ва талаб даражасида бажариш имконини бермоқда.

Бунда «Ўзавтйўл»нинг пойтахтимиздаги темир-бетон конструкциялари тажриба заводи, «Чиноэйлүндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари корхоналар жамоаларининг ҳиссаси катта бўлаётди.

Президентимизнинг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган «2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида тармоқдаги узоқ йиллик ҳаракат дастури аниқ белгилаб берилган.

Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва тақомиллаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўлларнинг сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга, бинобарин, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА мухбири

Солиқ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗАЛАШ ЙЎЛИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ТАЪКИДЛАШ ЎРИНЛИКИ, ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛАётган ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ВА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АЛБАТТА ЎЗИНИНГ ИЖОБИЙ САМАРАСINI БЕРМАЙ ҚОЛМАЙДИ.

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Айниқса, халқимизга замонавий тиббий хизмат кўрсатишини ташкил этиш, барча тиббиёт муассасаларини энг сўнгги русумдаги хорижда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилаётганлиги эътиборга лойиқдир. Шу жумладан аҳоли соғлигини муҳофазада сифатли дори-дармон ва тиббий буюмларни етказиб бериш долзарб юмушлардан бирига айланади.

Сир эмаски, республикамизда фаолият кўрсатаётган дорихоналарда кишилар соғлиғи учун зарур бўлган дори-дармон воситалари билан биргаликда сифатсиз, сифат сертификатига эга бўлмаган дори воситаларини сотиш ҳоллари ҳам баъзан учраб турибди. Бундай истеъмолга яроқсиз дори-дар-

монлар инсон соғлиғи учун фойдали бўлмай, мамлакат иқтисоди-га ҳам зарар етказиши мумкин. Бирок, ҳукуматимиз томонидан бундай эътибордан тadbиркорлар фаолиятига қарши кураш олиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада дори-дармонлар, тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ана шундай муҳим вазифани бажаришда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, Яккасарой туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳам мазкур қарор талабларини бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ана шунга кўра, туман ҳудудида фео-

ЧЎЛПОН ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИНИНГ «НОДИР НАШР ВА ҚЎЛЭЗМАЛАР» БЎЛИМИДА ЧЎЛПОННИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда шоир асарларининг ўндан ортиқ нодир нашрлари намоиш этилмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, кўргазмага келган киши шоринг нашр қилинган дастлабки ижод маҳсулларидан ҳам баҳраманд бўлади. Жумладан, 1922 йили нашр этилган қирқ саҳифали «Уйғониш» шеърий тўплами, «Ҳақиқат» журналида босилган «Кишан», «Маориф ва ўқитувчи» журналидан жой олган «Баҳорни соғиндим» шеърлари сингари қўллаб асарларнинг асосий қисми араб ва лотин ёзувларида нашрдан чиқарилган.

— Мен Чўлпонни ижодида жуда қизиққанам, — дейди китобхон Шаҳноза Хушвақтова. — Ушбу кўргазмадан ўзимга керакли бўлган қўллаб маълумотларни топишга муваффақ бўлдим. Бу ерда шоирнинг чоп этилган ва газета, журналларда босилган ижод маҳсуллари қаторида қўлэзмаларини ҳам учратиш мумкин. Бу каби кўргазмалар биз китобхонларга шоир ва ёзувчилар ижоди билан янада яқиндан танишиш имконини беради.

Шунингдек, кўргазмада адибнинг таржимонлик фаолияти 1926-1927 йилларга оид нашрларда ўз ифодасини топанган. Чўлпон томонидан таржима қилинган Лолаҳон Сайфуллинанинг «Ичкари», Елена Зартнинг «Дувана» ва «Қиммат», Орешининг «Кишлоқ кооперативи» асарлари Москвадаги кенгаш иттифоқи халқларининг марказий нашриётида чоп этилган.

Мазкур кўргазма август ойининг охиригача давом этади. Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Дилшоҳ ДОЛИМОВ, Яккасарой туман ДСИ шўба бошлиғи

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ
2200
2009, МАЙ

**ТОШКЕНТ —
ФУРУРИМИЗ
РАМЗИ**

**ҚАДИМДАН ИЛМ-ФАН ВА
МАДАНИЯТ МАРКАЗИ БЎЛГАН,
ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ШАҲРИ
НОМИНИ ОЛГАН ТОШКЕНТ
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА
ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧИБ БЕРМОҚДА.**

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари асим пойтахтимизга янада кўрк ва тароват бахш этмоқда.

Истиклол байрами арафасида «Махалла» ва «Нуроний» жамғармалари Сурхондарё вилояти бўлимлари ташаббуси билан бир гуруҳ фахрийлар Тошкент шаҳрида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди-лар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, майдон ва хиёбонларини зиёрат қилди-лар.

2200 йиллик тўйини нишонлашга ҳозирлик қўраётган қадимий ва навқирон шаҳарнинг равои, кенг йўллари, кўприк-лари, бир-бирига ўхшамайдиган замонавий бинолари, тарихий обидаларини кўриб, хайратга тушдик, — дейди термизлик Орзикул Соатов. — Муस्ताқиллик ва эзгулик монументи, Шаҳидлар хотираси майдони, Мотамсаро она ҳайкали, Ҳазрати Имом мажмуаси ва бошқа гузал масканлар, яшиллик-ка бурканган хиёбонларни кўздан кечирарканмиш, осуда ва озор юртдагина мана шундай бунёдкорлик ишлари, бетимсол ўзгаришлар ўзи беришига яна бир қарра амин бўлдиқ. Қалбимиздаги фахр-ифтихор ҳисси янада ортди.

Эллик йил мактабда ёшларга сабоқ бердим, — дейди кўмқўргонлик Усмон Сунонов. — Талабалик йилларим пойтахтда ўтган. Эски шаҳарнинг тор кўчалари, пастанк уйлар, қаровисиз обидалар... У пайтлардаги Тошкент билан бугунги Тошкент ер билан осмонча фарқ қилади. Муस्ताқиллик йилларида Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгарганига гувоҳ бўлдиқ. Бир-биридан мухташам, замонавий таълим муассасалари ёшларимиз икболини намён этиб турибди. Пойтахтимиз — бизнинг фахримиз, гуруримиз рамзидир.

**Х.МАМАТРАЙМОВ,
ЎЗА мухбири**

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Бизга маълумки, дунёда жаннатмонанд дея эътироф этилувчи она Ватанимиз Ўзбекистон ўзининг бой маънавий мероси, буюк маданияти, илми ва салоҳияти билан барча даврларда жаҳон аҳлининг диққат эътиборида бўлиб келган. Бунинг боиси, бугунги юксак тамаддун ривожига муносиб улуш қўшган барча илмлар шаклланишида мамлакатимизнинг ўрни беқийс.

Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлар қаторида кўнча Шош ҳам азиздан маданият ва маърифат ўчоғи бўлиб келган. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида Буюк Ипак йўлидаги бу шаҳар коммуникация жиҳатидан Магрибу Машриқни, жануб ва шимолни том маънода бөлгвчи муҳим манзил, Турон, Туркистон, Урта Осиё заминиди буюк марказ сифатида маълум ва машҳурдир.» Кўнча диёрнинг машҳурлигида, шубҳа йўқки, бу заминда яшаб, ижод этган аллома, олимларнинг хизмати беқийс. Тарихдан маълумки, Тошкент қадимида Чош, Шош, Шашкент, Бинкат, Банокат номлари билан юритилган. Шу боис бу ерда таваллуд топган алломалар ва олимлар Шошӣ, Чочӣ, Банокатӣ тахаллуслари билан танилган. Тош-

шаҳарофати ва пойтахт сифатида муҳтарам Юртобшомиз томонидан қаратилган алоҳида эътибор натижасидир.

ЮНЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги қувончли ҳол. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ушбу қарор қабул қилинмасдан олдин ҳам пойтахтимиз ободончилиги доимо эътиборда эди. Айниқса, жаҳон дунёвий ва диний илмларига муносиб улуш қўшган алломалар номини абадийлаштириш, уларнинг қабрлари ва қадим-жоларни ободонлаштириш борасида оламшумул ишлар амалга оширилди. Ислам оламида Имом Бухорий, Имом Термизӣ, Имом Мотурӯдий каби «имом» макомига эришган, буюклар орасидан муносиб ўрин олган Имом Абу Бакр Қафқол Шошӣ хотирасига қўрсати-лган буюк эҳтиром бунинг аққол намуна-сидир. Замондошлари «Ҳазрати Имом» деб улуғлаган бу зотни араб тарихчилари ҳам юксак эҳтиром билан номига «улуғ», «катта» маъноларини ифодалайдиган «кабир» сўзини қўшиб ёздилар. Бу бежиз эмас, зеро бу аллома нафақат диний, балки дунёвий илмда ҳам тенгсиз бўлган. Араб тили ва араб грамматикасида арабларга устозлик қилган. Шу боисдан унга Ҳазрати Имом деб ном

Тошкент меъморчилигини, қолаверса маданият ва маърифат дунёсини Кўкалдош мадрасасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ерда Муқимий, Фурқат, Заъкий, Алихонтура Соғунӣ каби буюклар таълим олишган. Ўзбек романчилигининг отаси Абдулла Қодирӣ шу масканда сабоқ олган. Бу маскан янм ўтмишда жуда хароб ҳолга тушганди. Хароблиги ва ташландиқлигидан кечаси у ёқда турсин, кундузи одамлар яқинлашишга ҳайқишарди. Эндиликда бу тарихий ёдгорлик ҳам ўз шухратини қайта тиклади, вайрондан қосонгага айланди. Бу табарруқ масканда ҳозир ҳам таъмирлаш ишлари қизгин давом этмоқда.

Шукроналар бўлсинки, юртимизда дин ва виждон эркинлигида катта эътибор қаратилмоқда. Шўролар даврида Тошкентдек улкан шаҳарда 14 та масжид мавжуд бўлган. Улар ҳам ҳўжақўрсинга, хароб аҳволда, бунинг устига таъмирлашга ҳам рухсат берилмаган. Худого шукрки, бугунги кунда шаҳарда бири-биридан кўркам ва обод 115 та жомеъ масжиди фаолият кўрсатмоқда.

Алломаларини ҳаёти, уларнинг асарлари, қадимжоларига берилаётган эътибор замирида халқимиз буюклигини, тарихимиз улўглигини ёшларимиз онгига сингдириш-

ШАРҚ ДАРВОЗАСИ — ОЛТИН ОСТАНА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИНГ ИЖРОСИ ДОИРАСИДА ҚАТОР ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЮБИЛЕЙГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ, УНИ МЎНОСИБ ЎТКАЗИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ХУСУСИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БОШ ИМОМ ХАТИБИ АНВАР ҲОЖИ ҚЎЧҚОР ЎҒЛИ ТУРСУНОВ «ТУРКИСТОН-ПРЕСС» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИГА ҚУЙДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:

кентни дунёга машҳур қилган инсонлар орасида Шайх Абу Бакр Зайниддин Куйӣ Орифон Тошкандӣ (халқ тилида Шайх Зайниддин бобо), Ойхўжа ибн Тошхўжа Занги ота, Шайх Хованди Тоҳур, Хожа Убайдуллоҳ Ахр Валиӣ, Абу Бакр Қафқол Шошӣ, Абу Саъид Ҳайсам ибн Қулайб Шошӣ каби алломаларнинг хизмати беқийсдир.

Минг тассуфларки, тарихан шунчалик буюк шаҳар истибодд замоналарида ўзининг мўносиб баҳосини топмади. Тошкент деганда собиқ иттифоқнинг чекка бир худуди тушунилар, ачинарлики, бу номни билмайдиган хоржиқликлар ҳам кўпчилик эди. Оллоҳга шўрлар бўлсинки, истиқлол тўғрисида Тошкент ўзининг иккинчи, гуллаб-яшнаган даврини бошдан кечирмоқда. Эътиборлики, қисқа фурсатда, жаҳон эътиборига тушди, мустақил юртининг обод пойтахти сифатида дунёга танилди. Қисқа фурсат — ўн олти-ўн етти йил ичида шаҳар ўз маданияти, тарихи ва салоҳияти билан жаҳон аҳлининг назарига тушди. Ислам конференцияси ташкилотининг тўзилмаларидан бири, дунёда нуфузи балинд Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти АЙСЕКО томонидан «Ислам маданияти пойтахти» макомини олиши оламшумул ҳодисадир. Бу Тошкент шаҳри Ўзбекистон мисолида дунёдаги ислом илмини, маданиятини ва одоб-ахлоқини сақлаган энг муносиб маскан дегандирин. Қолаверса, бу ислом дунёга келган мамлакатлар учун ҳам, ҳозирда қонларни ислом асосига қурилган давлатлар учун ҳам намуна, ибрат демақдир. Бундай мақомга эришиш осон кечгани йўқ. Бу аввало Истиқлол

берилган.

Эътиборлики эса, Президентимиз ана шу каби улўг зотларнинг қабрларини, зиёратгоҳларини ободонлаштиришга алоҳида диққат қаратмоқдалар. Биргина Хастимом (Ҳазрати Имом) мажмуаси барпо этилиши жараёнда Юртобшомиз бу гўшага икки марта келдилар. Хар келганларида қурилиш ва архитектура борасида ўзига хос маслаҳат ва тақлифлар бердилар. Тошкентнинг ўзига хос архитектураси ва нақшинкорлик санъатини сақлаш, барпо этилаётган қосишларда улўг аждодларимиз руҳини акс эттиришда давлатимиз раҳбари тавсияларига таянилди. Натижада қисқа фурсатда юксак меъморчилик санъати намунаси кад ростлади. Буни хоржихдан келаётган қозлаб меҳмонлар ҳам эътироф этишмоқда.

Ислам оламидаги яна бир қўтлўг зот Шайх Хованди Тахур мақбараси ҳам бугун обод ва кўркам қадамкога айланди. Хожа Аҳрори Валийдек буюк инсоннинг бобоси бўлиши аллома кўнча Шошининг энг улўг пири устозларидан бири ҳисобланади. Ислам университетининг айнан шу зиёратгоҳ ёнида барпо этилишида ҳам улкан маъно мужасам. Бугун бизнинг идорамиз жойлашган масжиднинг тарихи ҳам узок. Буни Хожа Аҳрори Валиӣ Ҳазратлари 560 йил илгари бунёд этганлар. Аммо йиллар ўтиши билан у қаровисиз ҳолатга келган. Айниқса, шўро даврида омборга айлантирилгани боис бундай яроқсиз бино ҳолига тушган. Муस्ताқил йилларида эса меъморчиликнинг юксак санъат намунасига айланди. Қолаверса, Тошкент хўснига хўсн қўшиб турибди.

**Абкар ҚАРШИЕВ,
«Туркистон-пресс»**

Тадбирлар

ЎЗБЕКИСТОН — АҲИЛ ОИЛА

АЙНИ КУНЛАРДА БУТЎН РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТОБОРА ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЭНГ УЛУҒ ВА АЗИЗ АЙМ — МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИНИ МЎНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЕТМОҚДА. ТАНИҚЛИ ЁЗУВЧИЛАР, ШОИРЛАР, ФАН АРБОБЛАРИ ВА ЭЛИМИЗ АРДОҒИДАГИ ИНСОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР, ТАДБИРЛАР ВА ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧАЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Хусусан, Шайхонтоҳур туманидаги «Ипакчи» гузарига «Ўзбекистон — аҳил оила» мавзуда ўтказилган катта тадбир ҳам Истиқлолимизнинг 17 йиллигига бағишланди. Тумандаги 49 та маҳалла ва шаҳардаги қозоқ, рус, уйғур каби бир қатор миллий- маданий марказлар вакиллари иштирок этган ушбу тадбир том маънода дўстлик, қардошлик ва биродарлик байрамига айланиб кетди десак асло хато қилмаган бўламиз.

— Азиз тадбир иштирокчилари, устозлар, қадри ёшлар, — деди жумладан тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин- қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова, — барчангизни яқинлашиб келаётган энг улўг ва азиз байрам — Муस्ताқиллигимизнинг 17 йиллиги билан муборакбод этамиз. Ҳаммангизга яхши маълумки, ўтган йиллар давомида юртимизда оламшумул ишлар, хар соҳада катта ислохотларга қўл урилди. Бугунги кундаги кўлга киритаётган ютуқларимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг қанчалик тўри йўлдан кетаётганлигини кўрсат-

моқда. Республикамизда 130 дан ортиқ турли миллат вакилларининг бир оила фарзандларидек тинч-тотув, ҳамжиҳатликда элў юрт ривожу учун меҳнат қилиб мустақилликдек улўг неъматни асраб-авайлашга ҳисса қўшиб келаётганларининг ўзи энг катта ютуқларимиз сирасига кирди. Демак ўтаётган хар бир кунимизнинг тинч-осуда ва фаровонлиги учун барчамиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Мустақилликдек азиз неъматнинг қадрига этиб ашайлик.

Шунингдек, тадбирда сўз олган Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёв Жабборов, Республика Маънавият- тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим Абдуғаниев, туман ҳокими ўринбосари, хотин- қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пулатова, шоира Нилуфар ва бошқа таниқли олим тарихчилар Истиқлолимиз билан боғлиқ эзгу тушунчаларни янада чуқурроқ англаш, унинг қандай кураш ва машаққатлар, фидокорона меҳ-

нат ва қатъият эвазига кўлга киритилгани, кенг қўламли ислохотларимизнинг бари инсон манфаатларини таъминлашга қаратилгани, миллати, тили, динидан қатъи назар юртимизда яшаётган хар бир инсоннинг жамиятимиздаги ўзгаришларга қўшаётган ҳиссаси, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик билан олиб борилаётган ишлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтди-лар.

Тадбирда қозоқ, рус, уйғур миллий маданий марказлари ва туман маданият ва спорт ишлари бўлими қосидаги маданият уйлари жамоалари ижросида шўх куй ва қўшиқлар янграб барчани даврага чорлади.

Чиройли байрам дастурхони ёзилган, дилдан сўхбат қурилган, куйлар қўшиққа уланган ушбу давра узок вақт қатнашчилар ёдидан қўтарилмайди, балки байрам шукўҳига уланиб кетишига ишонамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Ипакчи» гузарига бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳалар.



Маълумки, Мустақиллик йилларида маҳаллаларга катта эътибор қаратилди. Қўллаб-замонавий маҳалла гузарлари барпо этилиб, атрафлари ободонлаштирилди ҳамда кўкаламзорлаштирилди. Мирзо Улуғбек туманидаги мавжуд 52 та маҳалла ҳам кейинги йилларда янада гуллаб-яшнаб, обод ва кўркам файзли масканга айланди. Тумандаги «Юзработ» маҳалласи айниқса энг намунали маҳаллалардан ҳисобланиб, бу масканда 5150 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Шуни айтиш

«Маҳалла» хайрия жамғармасини Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви томонидан Фахрий ёрлик билан тақдирланган ҳамда «Энг намунали маҳалла» кўриктанловида 3-ўринга сазовор бўлган.

— Маҳалламизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари катта эътибор қаратилган, — дейди «Юзработ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдумалик Эрназаров. — Бу ишларга нафақат маҳалла фаоллари, балки маҳалланинг хар бир фуқароси му-

носиб ҳисса қўшиб келмоқда. Маҳалламиз турли миллат вакиллари билан иборат бўлиб, аҳил ва тотувликда истиқомат қилмоқдалар. Турли хил йиғилиш, айниқса, байрам олди хашарларида, тадбирларда фаол иштирок этадилар. Маҳалла худудиди 210-мактаб, 98-мактабга таълим муассасаси жойлашган. Кейинги йилларда туман ва маҳалла аҳлининг мароқли дам олиши учун Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи шохобчаси, ёшларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун «Оз-работ», «Трактор» спорт мажмуалари бунёд этилиб, улар доимо ёшлар билан гавжум. Булардан ташқари маҳалла ёшларининг ёғи таътил кунларида бўш вақтлари-

ни унумли ва мазмунли ўтказиш ишлари учун маҳалла гузарига компьютер хонаси очилган. Бу ерда ёшлар компьютерни ўрганиш бўйича мутахассис ўқитувчидан сабоқ олмақдалар. Шунингдек, ёшларни маҳаллага яқинлаштириш мақсадида йил бошидан буён Мирзо Улуғбек тумани «Қамолот» ЕИХ билан ҳамкорликда 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида турли хил спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, маҳаллада олиб борилаётган эзгу ва хайрли ишлар таҳсинга сазовор эканлигини қайд этиш лозим. Айниқса кам таъминланган оилалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олиш, кўнглиларини қўтариш ва моддий рағбатлантириш яхши аънамага айланган. Шу билан

**2008 — Ёшлар йили
ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР
МАСКАНИ**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ
РАҲНАМОЛИГИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ
ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.
БУНИ 90 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ҚИЗГИН
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛАЁТГАН МИРЗО УЛУҒБЕК
НОМИДАГИ ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ
ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА ҲАМ КЎРИШ МУМКИН.**

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган мазкур муассасада етмишдан ортиқ педагог меҳнат қилади. Улар ёшларга табиий, ижтимоий-гуманитар, физика ва математика, иқтисод ҳамда хоржий филология йўналишлари бўйича сабоқ беради.

Лицейимизга пойтахтимизнинг барча туманларидан ўқувчилар қабул қилинади, — дейди лицей директори Насиба Нарзиқуллова. — Уларга замон талаби даражасида, пухта билим беришга ҳаракат қилаямиз. Бунда бизга, Ўзбекистон Миллий университетининг моддий-техник ва ўқув базаси, педагогик салоҳияти жуда қўл келмоқда. Университет олим ва мутахассислари иштирокида турли учрашув ҳамда мулоқотлар уюштирилаётгани иш сифати ва самардорлигини янада оширмоқда. Ўқитувчиларимизнинг 25 фоизини Миллий университетни тамомлаган кадрлар ташкил этади. Бундан ташқари, университетнинг 17 нафар ўқитувчиси ўриндошлик асосида ўқувчиларимизга таълим-тарбия бермоқда.

Лицейда ёшларнинг ўқиб-изланиши, ўз интеллектуал салоҳиятини ошириши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Қарийб тўққиз минг адабиёт ва дарсликка эга ахборот-ресурс маркази, компьютер хоналари ўқувчилар ихтиёрида. Миллий университет кутубхонаси эшик-лари ҳам улар учун очик. Синф хоналарга ўрна-тилган компьютерларнинг барчаси Интернет тармоғига улангани машғулотларни нафақат дарсликлар асосида, балки умумжаҳон ахборот тармоғида пайдо бўлган сўнги янгиликлардан фойдаланган ҳолда олиб бориш имконини бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, қурилиши жадал давом этаётган спорт зали Муस्ताқиллигимизнинг 17 йиллик тўйи арафасида ўғил-қизларга муносиб туҳфа бўлади.

Бу йил ушбу ўқув юртини 202 нафар ўғил-қиз тамомлади. Ўтказилган сўровларга кўра, уларнинг аксарияти олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш истагини билдирган. Ўтган йиллари битирган ўқувчиларнинг кўпчилиги айни вақтда мамлакатимиздаги ва хоржийда нуфузли олий ўқув юртиларида таълим олмоқда.

Лицей ўқувчилари республика бўйича ўтказилаётган турли қўриқ-танловларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, улар шу йил ўтказилган «Сиз қонунчи биласизми?» танловининг мамлакат босқичида мусавфақиятли иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой олди. Лицей талабаси Дилафрўз Усмонова адабиёт йўналиши бўйича 2007 йил Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

— Марказий Осиёдаги етакчи олий таълим муассасаси қосидаги академик лицейда ўқиш, Миллий университетнинг профессор-ўқитувчиларидан сабоқ олиш биз, ёшлар учун катта бахт, — дейди Д.Усмонова. — Бу мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган алоҳида эътибор самараларидандир. Кўрсатилаётган бундай доимий эътибор ва ғамхўрлик биз, ёшларни янада фаолроқ бўлишга, фанларни янада чуқурроқ ўзлаштиришга ундайди. Ниятим — лицейни битириб, Ўзбекистон Миллий университетинида ўқишни давом эттириш.

Академик лицейда Дилафрўз каби интилувчан, иқтидорли ўғил-қизлар жуда кўп. Уларнинг мақсади — келажақда юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

**Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири**

БОЛА ҲУҚУҚИ ВА ОАВ

**ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКISTON ЭЛЕКТРОН
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МИЛЛИЙ
АССОЦИАЦИЯСИ ТОМОНИДАН НОДАВЛАТ
ТЕЛЛОРАДИОСТАНЦИЯЛАРИ ЖУРНАЛИСТЛАРИ
ИШТИРОКИДА «ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ВА БОЛА ҲУҚУҚИ» МАВЗУСИДА
СЕМИНАР — ТРЕНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Бола ҳуқуқларини таъминлаш, улар манфаатини хар томонлама ҳимоя қилиш жаҳондаги энг долзарб вазифалар сирасига кирди. Бу борада юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари» қонунӣ эса мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодини ҳимоя қилиш борасида дастуруламал бўлмоқда.

Семинар-тренингда асосий эътибор, оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг бу мавзудаги билим ва малакаларини ошириш, уларнинг ўзаро таъриба алмашишларига шароит яратиш қабиларга қаратилди. Шунингдек, семинар чоғида экспертлар томонидан бола ҳуқуқларига оид мавзуларни ёритишда журналист этикасига риоя этиш, бу борада хорж таърибасини ўрганиш ва асосийси бу соҳада тўпналиб қолган муаммолар атрофлича таҳлил этилди.

Тўрт кун давом этадиган семинар давомида журналистлар болаларнинг жисмоний, маънавий ва ахлоқий томондан соғлом ҳамда баркамол вояга етишларига кўмаклашиш, қонун ижросини таъминлаш ва жойлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг белгиланган имтиёзларда тўла-тўқис фойдаланишларига шароит яратиш борасида оммавий ахборот воситаларининг ўрнини ошириш борасида қилиниши лозим бўлган вазифаларни муҳомаа этишди.

«Туркистон-пресс»

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: «Юзработ» маҳалла фаоллари.

Оз-оз ўтганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ОГАҲИЙ ХИКМАТЛАР

Бу гулшан ичра топғуси барги навоий айш, Булбулни фарқ айламаганлар гуробдин.

Биров чикса агар хуршид ёнглиг иззат авжига, Килур дархол они хоки мазаллат остида пинҳон.

Фалак зулмидин эмин бир киши эрмас, магар улким, Онинг олидадур бу даҳр айшу меҳнати яксон.

Не келса, эй кўнгул, олдинга сабру шукр кил, токим, Муродингни бериб Ҳақ, мушкилингни айлағай осон.

Эй кўнгул, гар хурран ўлмоқ истасанг, бўл хоксор — Ким, кўкармак мумкин эрмас ерга тушгай донадин.

Оқил эрсанг, нақди умринг қилмоғил бехуда сарф — Ким, бу иш эрмас муносиб ҳеч бир фарзонадин.

Сидку ихлос ўлса кимда, жамъ ўлур ҳосил мурод.

Масти жоми кибр ўлуб, ҳаргиз ўзини билмағай, Нотавон аблаҳ топиб давлат тавоноланмасун.

Бу чаманнинг рангу бўйида бақо йўқ, эй сабо, Айтғил гулларгаким, кўб зебу ороланмасун.

Чу бергунг нон ила ош, эй сахий, сидқ ахлига бергил, Риёву кизб ахли нонингу ошингдин айлансун.

Онинг кажравлиги таъсиридиндур, бу жахон ичра, Жафо ахли ҳамиша хурраму ахли вафо маҳзун.

Бирови ахли ҳиммат бўлса, гам кунжин маком айлаб, Ҳамиша фақру фоқа меҳнатидиндур юзи олтун.

Агар ошиқ эсанг, сабр айла шиддатлиг балоларга — Ки, ишқ ичра қутулмоқ мумкин эрмас ранжу меҳнатдин.

Ичурса соқийи даврон агар нокомлиг захрин, Эр эрсанг, они ширин англа шахдомиз шарбатдин.

Сипар қил бошинга бу размгоҳ ичра қаноатни, Агар мақтул бўлмоқ истамасан тиги миннатдин.

Тарк этиб Ҳақ зикрини, майл этма дунё фикрига — Ким, килур восил коминга ул ноком бу.

Қилма чок эл кўнглини тийғи ситамдинким, бу чок Ҳеч бир тадбир ила асло қабул этмас рафу.

Туманларда

БОЛАЛАР ТАШАББУСЛАРИ ҚУВВАТЛАНДИ

КЕЛГУСИ ЙИЛ МАМЛАКАТИМИЗДА ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНАДИ. АЙНИ ШУ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗДА КЕНГ КЎЛАМДАГИ ҚУРИЛИШ, ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Бу борадаги ишлар кўламига мактаб ўқувчиларининг ҳам ўз хиссаларини қўшаётгани қувонарли ҳолдир. Мактаб ўқувчиларидан иборат "Бунёдкор авлод" болалар гуруҳи ташаббуси билан Юнусобод тумани, 15-мавзесига қарашли 1, 2-уйлар ҳовлисида "Кувноқ дельфинча" болалар майдончасининг ташкил этилишини ана шу фаоллик намунаси дейиш мумкин. Мазкур майдончанинг бунёд этилишида тумандаги 97, 456, 247-мактабгача таълим муассасалари маъмурияти моддий ва маънавий кўмагини аямади.

Куни кеча мазкур майдончанинг очи-лиш маросими бўлиб ўтди. Унда Юнусобод туман халқ таълими бўлими мутасаддилари, мазкур ҳудуднинг коммунал хизматлари масъуллари, 1, 2-уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар ва уларнинг фарзандлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни туман халқ таълими бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича назоратчиси Саодат Султонова очди. Шундан сўнг Юнусобод туман ҳокимлиги вакиллари, Ойбек маҳалла

фуқаролар йиғини раиси Қурбон Даминов, уй бошлиғи Виктория Богдановалар сўзга чиқиб, "Бунёдкор авлод" болалар гуруҳи ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги ҳусусида тўхталиб ўтишди.

Таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, "Бунёдкор авлод"нинг ташкил этилиши ва унинг қисқа фурсатлар ичиди муайян ютуқларга эришганлиги бу борада амалга оширилаётган ишларнинг исботи дейиш мумкин.



Мазкур тadbирнинг расмий очилишидан сўнг, "Нептун" болалар байрами ўтказилди. Кувноқ куй-қўшиқ ва дилрабо рақслар, эртақ қаҳрамонлари билан учрашувлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Хидирали ДАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: Юнусобод туманидаги "Бунёдкор авлод" болалар гуруҳи томонидан ташкил этилган "Кувноқ дельфинча" майдончасида болажонлар мана шундай қувнаб-яйрашмоқда.

Суннатилла Кўзиев олган суратлар

ҲЕЧ БИР МАМЛАКАТ ФАВҚУЛОДА ВАЗИЯТЛАРДАН ТЎЛА КАФОЛАТЛАНМАГАН. ТАБИИЙ ОФАТЛАРНИНГ КАТТА КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ, У МАВСУМ ТАНЛАМАЙДИ. ТАБИАТНИНГ-ДА ҚАЛТИС СИНОВЛАРИ БИСЁР. АНА ШУНДАЙ КУТИЛМАГАН ОФАТЛАРГА ДОИМО ШАЙ ТУРИШ, РЎЙ БЕРГАН ТАҚДИРДА САРОСИМАГА ТУШМАСДАН ТЎҒРИ ҲАРАКАТ ҚИЛА БИЛИШ ЭНГ ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ УСУЛЛАРДАН БИРИДИР. БУНИНГ УЧУН ПОЙТАХТ ФУҚАРОЛАРИ МУҲОФАЗАСИ УЧУН МАСЎЛ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ УҚУВИ, БИЛИМИ ҲУДУД ШУ СОҲАГА ОИД КЎНИКМАЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА? ЮҚОРИДАГИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ТОПИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАВҚУЛОДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ, ПОЛКОВНИК ЭРГАШ ИКРОМОВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК.

— Эргаш Жумабоевич, мана, жорий йилнинг ярми ҳам ўтди. Шу вақт мобайнида сиз раҳбарлик қилаётган бошқарманинг «Аҳоли ва раҳбарият таркибини тайёрлаш маркази» ходимлари томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида «Аҳоли ва раҳбарият таркибини тайёрлаш маркази»да жами 3949 нафар тингловчилар фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича тайёргарликдан ўтказилди ва режа ортиги билан бажарилди. Шунингдек, 2008 йил январь ойида барча туман халқ таълими бўлимлари билан мактабларнинг 1-4, 5-9 синф ўқувчиларидан 2600 нафари билан «Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш» мавзусида машғулот ўтказилди. «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» фанининг долзарблиги ва мактабларда қай даражада олиб борилаётгани бўйича ўқитувчилар билан мулоқотлар олиб борилди. Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудидаги барча умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари иштирокида 241-мактабда ўқув-амалий семинар уюштирилди. Унда фуқаро муҳофазасига оид меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, фавқулодда вазиятларнинг таснифи, оқибатларини бартараф этиш, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг мақсад ва вазифалари ҳамда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатишининг бошқаруви мавзусида назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди. Собир Раҳимов туманидаги 28-сонли умумтаълим мактабида ва 441-сонли мактабгача таълим муассасасида эса амалий махсус тактик

ўқув машғулотларини давом эттириб, туман фуқаро муҳофазаси хизматлари ва таълим муассасаларининг ФМ тузилмаларининг ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўқув машғулотлари бошқарма офицерлари подполковник К. Турсунов, капитанлар У. Бозоров, Р. Нуралиев, катта лейтенант Х. Алибоев ва хизматчилардан профессор М. Юнусов, У. Сувоновлар то-

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан ўқув машғулотлари — ТАЖРИБА МАНБАИ

— Маҳаллалар билан ҳамкорликда олиб борилган муҳофазат тадбирлари ҳусусида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Жорий йилда пойтахт ҳудудида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларидан 120 нафарига Фуқаро муҳофазасига оид назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда ва фуқаро муҳофазаси соҳасида маҳаллаларнинг ўрнига алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўқув машғулотларининг назарий қисмлари тингловчиларда қизиқиш уйғотиб, баҳо-мунозара тарзида бўлиб ўтди.

Фавқулодда вазиятлар ўчоқларида кутқарувчиларнинг ҳаракат қилиши, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Тошкент шаҳар ФВБ Авария-кўтарув отряди ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти тасаруфидидаги 050 «Кутқарув хизмати»нинг махсус кутқарув асбоб-анжомлари ва техникалари кўргазмачи ташкил этилиб, унда кутқарувчиларнинг мазкур техника воситалари билан ишлаш тартиблари Аҳоли ва раҳбарият таркибини тайёрлаш марказида бўлиб ўтаётган ҳар бир ўқув машғулотларида тингловчиларга намоёиш этилмоқда.

монидан олиб борилди. Пойтахт ҳудудидаги корхона, муассаса, ташкилотларда раҳбарият таркиби, тузилмалари ва ишчи-хизматчилари билан алоҳида гуруҳлар тузилиб, 15 соатлик дастур асосида корхоналарнинг ўзида ва аҳолининг иш билан банд бўлмаган тоифалари билан яшаш жойларида, яъни маҳалла ва ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари қосида фуқаро муҳофазасига оид суҳбатлар шаклида машғулотлар олиб борилмоқда.

Бошқармаиз ходимлари ҳар ҳафтада маҳаллаларга чиқиб фуқаро билан машғулотлар олиб бориб, услубий ва амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Масалан, 2008 йил 24 январь куни Юнусобод тумани Уста Ширин маҳалласида, 14 февраль куни Собир Раҳимов тумани «Маҳалла» жамғармасида ва 6-7 март кунлари Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Белтепа» маҳалласида, 24 июль куни Миробод туманидаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари билан «Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш» мавзусида машғулот ўтказилди. Ҳар бир машғулотда маҳаллада истиқомат қилувчи қариялар,

ёш болали аёллар ва маҳалла болаларидан иборат 100 нафарга яқин аҳоли қатнашди. Шу билан бир қаторда маҳаллаларда Фуқаро муҳофазаси бурчаклари ва маслаҳатхоналарини ташкил қилишда маҳаллалар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилди.

— Пойтахт ҳудудида жойлашган ўқув муассасаларида фуқаро муҳофазасига оид кенг қўламли ишлар олиб борилаётганидан хабаримиз бор...

— Шаҳар ҳудудидаги корхона, ташкилотлар, жумладан таълим муассасаларида олиб борилаётган ўқув машғулотлари самарадорлигини ошириш, фавқулодда вазият-

туман ҳудудида жойлашган 8 та Олий таълим ўқув юрлари, 8 та коллеж, 2 та лицейлар, 17 та умумий ўрта таълим мактаблари ва 29 та мактабгача таълим муассасалари фуқаро муҳофазаси соҳаси бўйича чуқур ўрганиб чиқилди. Текширув натижалари бўйича барча таълим муассасалари раҳбарлари билан ўқув машғулотлари олиб борилди. Тадбир давомида фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ва қарорлар ҳамда меъриёв ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, туман ҳудудида жойлашган барча маҳаллалар раислари билан суҳбатлар олиб борилди ва маҳаллаларда фуқаро муҳофазаси бурчакларини ҳамда ўқув маслаҳатхоналарини ташкил қилиш бўйича йўриқнома-лар берилди.

«Аҳоли ва раҳбарият таркибини тайёрлаш маркази»да ўқув машғулотларини сифатли ва тўлақонли ўтказиш, тингловчиларни ўқув-услубий адабиётлар ва кўргазмали қуроллар билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 6 ойи мобайнида «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оғохлантириш ва ахборотлаштириш тизими тўғрисида», «Кимёвий хавфли объектларда аварияларнинг олдини олиш чора-тадбирлари», «Ишлаб чиқариш объекти раҳбарият таркиби ва ишчи-хизматчиларини фавқулодда вазиятлардан муҳофазаси қилиш соҳаси ва фуқаро муҳофазасига тайёрлаш» 15 соатлик ўқув-услубий қўлланма, «Ёнғин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш» ва «Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда биринчи тиббий ёрдам», «Техноген тусдаги авариялар содир бўлганда ҳаракат қилиш», «Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш Давлат тизими», «Эвакуация тадбирлари», «Мактабда фуқаро муҳофазасига тайёрлаш» 15 соатлик ўқув-услубий қўлланма, «Ёнғин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш» ва «Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда биринчи тиббий ёрдам», «Техноген тусдаги авариялар содир бўлганда ҳаракат қилиш», «Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш Давлат тизими», «Эвакуация тадбирлари», «Мактабда фуқаро муҳофазасига тайёрлаш» 15 соатлик ўқув-услубий қўлланма билан маҳаллаларда машғулотлар ва суҳбатлар ўтказиб боришмоқда.

2008-ўқув йили давомида иш режасига асосан ўқув машғулотларини ташқари Тошкент шаҳри ҳудудидаги таълим муассасалари, корхоналар ва аҳолининг иш билан банд бўлмаган тоифалари билан маҳаллаларда машғулотлар ва суҳбатлар ўтказиб боришмоқда.

Азамат СҮЙУНОВ суҳбатлашди

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

15 АВГУСТ, ЖУМА Бугунги кун рамзи Илон бўлиб, инсоннинг ўзидаги пасткаш туйғулур устидан галаба қозонишини билдиради. Олдинги кунларнинг бутун юкларини тўғри ўзганга солиб юбориш, ёмон ҳаёллардан воз кечиш керак.

Қурилишга оид ишлар, янги лавозимга киришиш, маънавиятга оид тадбирлар, уй-рўзгор юмуш-

лари, жисмоний фаоллик хайрли бўлади. Шу кунлари сизда жамоат ишларини баҳаришга иштиёқ ортади, эҳтирос жиҳатидан бировлар фикрига боғланган бўлсангиз-да, ўз истагингизча иш тутасиз.

Жағ-юз ва пластик операцияларни амалга ошириш тавсия этилади. Қорин бўшлиғида жароҳли операцияларини бажариш матлуб эмас. Буйраклар ва эндокрин тизими заифлашган

ҳолатда бўлади. Қандли диабет билан оғринган кишилар бугун айниқса эҳтиёткор бўлишлари лозим бўлади. Бугун алкоголь ва хазми оғир таомлардан воз кечган маъқул.

Тўшларингиз ўз муҳлисларингиз ва ҳамфирқ дўстларингиз даврасини қандай кенгайтириш ҳақида ҳикоя қилади. Улар башоратли бўлиб, яхшилаб эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчас маълум биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибиде бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

1. 2008 йил 9 сентябр куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақридан, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 15.04.2008 йилдаги 072008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомобиллар саклаш майдончасида сакланган, «Нексия» русумли, д/р А 33-54 02 РТ бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 7 779 057 сўм. 2. Тошкент шаҳар С.Раҳимов туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани судининг 03.03.2008 йилдаги 1-145/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шайхонтоҳур Инвест жарима майдонида (Ганга) сакланган «Мерседес Бенц-180» русумли, д/р О39567, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 27 000 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар маълум бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулнинг ҳар бир маълум ўлчовига тартибда, тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105.

II. Шунингдек қуйидаги кўчас мулкнинг аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади: Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим қилинган ва «Халқ сўзи» газетасининг 25.07.2008 йилдаги 147-сониде чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига чиқарилган, қарадор «ТОМОЗЕМ» МЧЖга тегишли Тошкент ш. С.Раҳимов т. Саёгон қўчаси, 30-тулик, 8-уйда жойлашган, жамланма (комплекс) ҳолатиде сотиш учун қўйилган мол-мулкларининг аукцион савдоси тўхтатилди. Савдон тўхтатишга асоси Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 07.08.2008 йилдаги 01-1456/8-сонли ҳақи ва Тошкент шаҳар ҳўқуқлиқ судининг 18.07.2008 йилдаги 10-0812/9311-сонли аҳрими. III. Дикқат тўғриси: «Тошкент оқшомиди» газетасининг 08.08.2008 йилдаги №153 (11.214) сониде чоп этилган хабарномада, «Аукцион савдосига, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда» деб ўқилсин. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда» деб ўқилсин. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразабоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rktb.uz

Соҳил футболу

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — КУБОК СОҲИБИ

ҚАРШИ ШАҲРИДА СОҲИЛ ФУТБОЛДА БЎЙИЧА ИККИНЧИ МАРТА УОШТИРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

Тошкентнинг «Бодомзор» жамоаси ҳал қилувчи баҳсда «Косон» футболчилари билан куч синашди. Учрашувда тўлиқ учрашувда қуч синашди. Тенг курашлар остида ўтган баҳснинг 51-дақиқасида мезбонлар томонидан ҳамюртларимиз дарвозасига киритилган ағона голдан сўнг ўйин охирига қадар ҳисоб ўзгармай қолди.

Энди ёшлар терма жамоамиз Жанубий Корея олий лигасидаги жамоалардан бирига қарши майдонга тушади.

Футбол

НАЗОРАТ УЧРАШУВИ УЮШТИРИЛДИ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1-14 НОЯБРЬ КУНЛАРИ САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ушбу нуфузли турнирда Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам иштирок этади.

Айни кунларда Жанубий Кореяда ўқув-йигин машғулотларини ўтказаятган мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси куни кеча Жанубий корейлик тенгқурлари билан назорат ўртоқлиги учрашувиде қуч синашди. Тенг курашлар остида ўтган баҳснинг 51-дақиқасида мезбонлар томонидан ҳамюртларимиз дарвозасига киритилган ағона голдан сўнг ўйин охирига қадар ҳисоб ўзгармай қолди.

Энди ёшлар терма жамоамиз Жанубий Корея олий лигасидаги жамоалардан бирига қарши майдонга тушади.

(Ўз муҳбиримиз)

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г - 706

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3200 нусхада босилади.
Қўғоқ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомиди»нинг компьютер марказиде терилди ва сақланган.
«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6